ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# MAHALLA

Ўзбекистон “МАҲАЛЛА” хайрия жамғармасининг нашри

№ 13-14 (145-146) | 2000 йил 16 февраль, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## Ю.Н.Агзамовни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Юрий Набиевич Агзамов Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тайинлансин ва шу муносабат билан мудофаа вазири ўринбосари - Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондони вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 феврал

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## «СОҒЛОМ АВЛОД» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётий ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларга:

соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштиришга;

давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши ва ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитларни яхшилашга;

«Меҳрибонлик» уйларида, мактаб-интернатларда ва ихтисослаштирилган мактабларда тарбияланаётган болаларга давлат томонидан ёрдамни кучайтиришга;

ижтимоий тафаккурда етук, ҳар томонлама камол топган ва соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият психологиясини шакллантиришга, соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши масалалари бўйича аҳолига ялпи билим бериш тизимини яратишга йўналтирилган «Соғлом авлод» давлат дастури тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, «Соғлом авлод» давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни, уларнинг аҳамияти ва кўламларини, сарф-харажатлар ҳажмларини ва ижтимоий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, амалга ошириш 2000 йилда ва кейинги йилларда тегишли ресурслар билан таъминланиши керак.

Давлат дастури топшириқларининг унда белгиланган муддатларга мувофиқ сўзсиз бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳар бир раҳбарининг муҳим инсоний бурчи деб ҳисоблансин.

3. «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси зарурият бўлганда Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузсин ва жойларда дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича ишларнинг ҳақиқий аҳволи ўрганилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси котибияти Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Соғлом авлод учун» жамғармасида жамланаётган молиявий маблағларнинг миқдорлари ва манбаларини танқидий баҳолаб чиқсинлар ва бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Жамғармани «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга ошириш бўйича Жамғармага юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган миқдорларда зарур молиявий манбалар билан тубдан мустаҳкамлаш;

вилоятларда Жамғарма филиалларини ташкил этиш, уларнинг тегишли моддий-молиявий базасини яратиш;

Жамғармани ва унинг ҳудудий филиалларини, биринчи навбатда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш бўйича таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган муддатларда тасдиқлашга киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар корпорациялар ва компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида манфаатдор органлар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Соғлом авлод» давлат дастурининг бажарилишини кўриб борсинлар. Йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича йил чорагидан кейинги ойнинг 5-кунигача — Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот даврида Давлат дастури топшириқларининг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

7. Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари қабул қилинган «Соғлом авлод» давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтириб берилишини таъминласинлар.

Марказий телевидениеда ва вилоятлар телевидениеларида ҳамда Тошкент шаҳар телевидениесида «Соғлом авлод» бу бизнинг келажагимиз» махсус мунтазам кўрсатувини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин. Уни тайёрлашга юқори малакали мутахассислар, шифокорлар, психологлар, ота-оналар, тарбиячилар, ёзувчилар, журналистлар, соғлом авлод муҳофазасига дахлдор барча кишилар жалб этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 февраль

## ШУ СОННИНГ

### 2-САҲИФАСИДА

*● Улкан орзулар, катта саъй-ғайрат билан бошланган таълим, муаммолар исканжасида эшилиб қолди.*

*Тўхтамуроднинг хомушлиги шундан!*

*● Оқсоқол машҳур бўлсинми ё моҳир? Ё...*

*● Идораси йўқ маҳалланинг аҳволини кўринг. Маҳалла оқсоқолининг бошпанаси, мавқеи унинг фаолиятига омил бўлади.*

*● Чой Гван Сун - маҳаллада.*

### 3-САҲИФАСИДА

***● Кабеллар ўғирланди. Жуфтак ростланди. Азиятни эса аҳоли чекмоқда.***

***● «Қизим эри билан ажрашганидан кейин бошпанасиз қолишига озгина қолди».***

***● Бизда ҳам аёллар ҳуқуқини кўта-ришга қаратилган қо-нунлар бор.»***

***● Оилавий можаро: дастлабки баҳслар ҳал қилувчидир.***

### 4-САҲИФАСИДА

*● «Қўшнининг ҳурмати - онанинг ҳурмати билан баробар», - деганлар Пайғамбаримиз.*

*● Маҳаллада тобланган спортчи.*

*● Ҳайвонларга ваҳшийларча муносабатда бўлиш дев ишидир, - дейди Зардўшт.*

*● Умуман, Зар-дўшт нимани тарғиб қилган? Бу ҳақда ҳам билган маъқул.*

Давр даъвати

## Огоҳлик — ҳар кимнинг ҳар кунги иши

***Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилишида ана шуларга алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, Оролбўйи ҳудуди жойлашган ўрни, яъни бепоён Устюрт саҳроси, Қизилқум сарҳадларини доимо кўнгилдагидек назорат қилиш имконияти қийинлиги жиҳатидан баъзи террорчилар, диний ақидапарастларнинг эътиборини жалб этиши табиийдир.***

Устига устак сўнгги вақтларда шундай фаровон турмушимизни кўра олмайдиган, дин ниқобидаги ҳар хил экстремистик оқимлар йигит-қизлар онгини заҳарлаб, уларни жиноий йўлларга тортмоқдалар. Уларнинг ортида қандай кучлар тургани эса маълум.

Қорақалпоғистон Республикасида 230 та фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, уларнинг икки мингга яқин маслаҳатчилари фаолият кўрсатмоқда. Бу - катта куч. Тўғрисини айтиш лозим, улар ўзларига берилган ҳуқуқлардан ҳали ҳам шу кун талаблари даражасида фойдаланаётгани йўқ. Аксар фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари «Сен менга тегма, мен сенга...» қабилида иш юритмоқда. Кўча бийларининг, фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги катта ҳурмат-иззатга эга бўлган ёшуллиларнинг, дин арбоб-ларининг диний ақидапарастларга қарши кураши ўзининг самарасини бермаяпти. Гапнинг индаллосини айтганда, уларнинг кўп қисмида ташаббускорлик етишмаяпти. Натижада эса айрим ёшлар ҳар хил нохуш ҳаракатлар билан шуғулланмоқда, жиноят кўчасига кириб, келажагига, ўзининг тақдири илдизига болта урмоқда.

Йиғилишда ҳар хил ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг фарқини ҳисобга олиб, амалий ишлар билан маънавий дунёни ривожлантириш, иймон-эътиқоди бутун, эрки мустаҳкам, собит дунёқарашга эга, буюк аждодларимизнинг бебаҳо мерослари ва замонавий фикрига асосланиб яшайдиган етук инсонни тарбиялаш масаласига эътибор қаратилди. Бу борада ҳам ўзини ўзи бошқариш идоралари олдида ғоят улуғвор вазифалар турганлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон фаоллари тинч-тотувликни сақлаш, аҳоли хотиржамлигини доимо таъминлашда шу табаррук заминда яшаётган миллатлар ва элатлар вакилларининг дини, эътиқоди, урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиш - уларга етарли шароитлар яратиш муҳимлиги тўғрисида алоҳида сўз юритдилар.

Маърузачи ва музокараларда қатнашган Қорақалпоғистон Ички ишлар вазири Ж.Шилмонов, Телерадиокомпания раиси А.Есемуротов, «Қорақалпоғистон жаслари» газетаси мухбири А.Турекеева, Қорақалпоғистон мусулмонлари қазияти имом-хатиби М.Абдиев, Тўрткўл тумани «Шўрахон» овул фуқаролар йиғини оқсоқоли И.Ортиқов, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети ректори К.Ўтаниёзов ва бошқалар жиноятчиликка, экстремизм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш - ҳамманинг иши эканлигини таъкидлашди.

**А.ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.**



**Зумрад қиш ҳам секин-секин ортга чекиниб, кўклам фасли яқинлашмоқда. Баҳор дов-дарахтлардан ҳам олдин бобо деҳқон қалбида уйғонади ва илиқ меҳр бўлиб дов-дарахтга сингади. Бугунги кунда бободеҳқон кўнгли уйғонган пайт ва улар боғ-роғлар холидан хабар олишга чоғланди.**

Хат ва шарҳ

## Қилар эдик муросаи мадора, афсус, йўқда маҳаллада идора

**«Мен фалон маҳалладанман» дея кўкрак керишни ким хоҳламайди? Лекин «Менинг маҳалламда мана бундай муаммо бор», дея тан олиш ҳам ўзича бир жасорат. Зеро, ҳар қандай муаммони унинг мавжудлигини тан олмасдан туриб ечиб бўлмайди. Бундан ташқари, бир маҳаллада бор бўлган муаммо иккинчиси учун ҳам бегона бўлмаслиги мумкин. Демак, бир маҳаллада тан олинган ва ҳал этилган муаммо, иккинчи маҳалладаги муаммонинг ечилишига ҳам йўл очиши, ҳеч бўлмаганда олдини олишга омил бўлиши мумкин.**

*Газетамизнинг 2-саҳифасида ангренлик куйинчак оқсоқолнинг ташвишларидан огоҳ бўласиз.*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 15 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 90,20 | 1 Германия маркаси | 72,13 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,25 | 1 Польша злотийси | 34,57 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 229,81 | 1 СДР | 193,38 |
| 10Бельгия франки | 34,97 | 1000 Туркия лираси | 0,26 |
| 1 Голландия гульдени | 64,02 | 1 Финляндия маркаси | 23,73 |
| 10 Греция драхмаси | 4,24 | 1 Франция франки | 21,51 |
| 1 Дания кронаси | 18,96 | 1 Швейцария франки | 87,91 |
| 1 БАА дирхами | 39,01 | 1 ЕВРО | 141,08 |
| 1 АҚШ доллари | 143,27 | 10 Жанубий Корея вони | 1,29 |
| 1 Миср фунти | 41,86 | 10 Япония иенаси | 13,10 |
| 10 Испания песети | 8,48 | 1 Россия рубли | 4,98 |
| 100 Италия лираси | 7,29 | 1 Украина гривнаси | 25,67 |
| 1 Канада доллари | 98,89 | | |
| 1 Хитой юани | 17,31 | | |
| 10 Люксембург франки | 34,97 | | |
| 1 Малайзия ринггити | 37,71 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи:** 148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.**

**Таҳририят манзили:**
Тошкент,
Навоий кўчаси, 18 «А»-уй ва Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 622, 635-хоналар.

**Хатлар учун:**
700011, Тошкент-11, а/қ 7168

**Телефонлар:**
Хатлар бўлими: 136-57-62,
масъул котиб 144-34-24
ижодий бўлимлар— 144-23-90,

Қабулхона — 144-23-34,
133-39-89.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

